




New Day in Medicine
Новый День в Медицине

NDM



TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



AVICENNA-MED.UZ



ISSN 2181-712X.
EiSSN 2181-2187

2 (76) 2025

**Сопредседатели редакционной
коллекции:**

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

Ред. коллегия:

М.И. АБДУЛЛАЕВ
А.А. АБДУМАЖИДОВ
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ
Л.М. АБДУЛЛАЕВА
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ
М.А. АБДУЛЛАЕВА
Х.А. АБДУМАЖИДОВ
Б.З. АБДУСАМАТОВ
М.М. АКБАРОВ
Х.А. АКИЛОВ
М.М. АЛИЕВ
С.Ж. АМИНОВ
Ш.Э. АМООНОВ
Ш.М. АХМЕДОВ
Ю.М. АХМЕДОВ
С.М. АХМЕДОВА
Т.А. АСКАРОВ
М.А. АРТИКОВА
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)
Е.А. БЕРДИЕВ
Б.Т. БУЗРУКОВ
Р.К. ДАДАБАЕВА
М.Н. ДАМИНОВА
К.А. ДЕХКОНОВ
Э.С. ДЖУМАБАЕВ
А.А. ДЖАЛИЛОВ
Н.Н. ЗОЛотова
А.Ш. ИНОЯТОВ
С. ИНДАМИНОВ
А.И. ИСКАНДАРОВ
А.С. ИЛЬЯСОВ
Э.Э. КОБИЛОВ
А.М. МАННАНОВ
Д.М. МУСАЕВА
Т.С. МУСАЕВ
М.Р. МИРЗОЕВА
Ф.Г. НАЗИРОВ
Н.А. НУРАЛИЕВА
Ф.С. ОРИПОВ
Б.Т. РАХИМОВ
Х.А. РАСУЛОВ
Ш.И. РУЗИЕВ
С.А. РУЗИБОВЕВ
С.А.ГАФФОРОВ
С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)
Ж.Б. САТТАРОВ
Б.Б. САФОВЕВ (отв. редактор)
И.А. САТИВАЛДИЕВА
Ш.Т. САЛИМОВ
Д.И. ТУКСАНОВА
М.М. ТАДЖИЕВ
А.Ж. ХАМРАЕВ
Д.А. ХАСАНОВА
А.М. ШАМСИЕВ
А.К. ШАДМАНОВ
Н.Ж. ЭРМАТОВ
Б.Б. ЕРГАШЕВ
Н.Ш. ЕРГАШЕВ
И.Р. ЮЛДАШЕВ
Д.Х. ЮЛДАШЕВА
А.С. ЮСУПОВ
Ш.Ш. ЯРИКУЛОВ
М.Ш. ХАКИМОВ
Д.О. ИВАНОВ (Россия)
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)
DONG JINCHENG (Китай)
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)
В.А. МИТИШ (Россия)
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)
А.А. ПОТАПОВ (Россия)
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)
С.Н. ГУСЕЙНОВА (Азербайджан)
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV (Azerbaijan)
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

**ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН
НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ
NEW DAY IN MEDICINE**

*Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал
Научно-реферативный,
духовно-просветительский журнал*

УЧРЕДИТЕЛИ:

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский
исследовательский центр хирургии имени
А.В. Вишневского является генеральным
научно-практическим
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных
изданий, рецензируемых Высшей
Аттестационной Комиссией
Республики Узбекистан
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)
У.К. КАЮМОВ (Тошкент)
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

2 (76)

2025

февраль

www.bsmi.uz

https://newdaymedicine.com E:

ndmuz@mail.ru

Тел: +99890 8061882

Received: 20.01.2025, Accepted: 03.02.2025, Published: 10.02.2025

УДК 615.89

МАКЛЮРА ДОРИВОР ЎСИМЛИГИ ВА ЗАМОНАВИЙ ТИББИЁТ

(Адабиётлар шархи)

Юлдошева Д.Х. Email: yuldosheva.dilnavoz@bsmi.uz

Ёдгорова Э.С. Email: yodgorovaetibor1111@gmail.com

Абу али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Ўзбекистон, Бухоро ш.,
А.Навоий кўчаси. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

✓ Резюме

Ушбу мақолада ўрганилган адабиётлар ва шахсий маълумотлар асосида Маклюра (*maclura pomifera*) доривор ўсимлигининг кимёвий таркиби, фармакологик хусусиятлари, доривор ўсимликдан тиндирма ва суртма тайёрлаш бўйича кўрсатма, қўллаш йўриқномаси ёритилган.

Калит сўзлар. Маклюра, тиндирма, суртма, экстракт.

MACLURA MEDICINAL PLANTS AND MODERN MEDICINE

(Literature review)

Yuldosheva D.Kh. Email: yuldosheva.dilnavoz@bsmi.uz

Yodgorova E. S. Email: yodgorovaetibor1111@gmail.com

Bukhara State Medical Institute named after Abu Ali ibn Sina, Uzbekistan, Bukhara, st. A. Navoi.
1 Tel: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

✓ Resume

This article, based on the literature studied and personal information, describes the chemical composition, pharmacological properties, instructions for preparing tinctures and ointments from the medicinal plant *Maclura (maclura pomifera)*, instructions for use.

Keywords. *Maclura, tincture, ointment, extract.*

ЛЕКАРСТВЕННОЕ РАСТЕНИЕ МАКЛЮРА И СОВРЕМЕННАЯ МЕДИЦИНА

Юлдошева Д.Х. Email: yuldosheva.dilnavoz@bsmi.uz

Ёдгорова Э.С. Email: yodgorovaetibor1111@gmail.com

Бухарский государственный медицинский институт имени Абу Али ибн Сины, Узбекистан,
г. Бухара, ул. А. Навои. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

✓ Резюме

В данной статье на основе изученной литературы и личных сведений описаны химический состав и фармакологические свойства лекарственного растения Маклюра (*maclura pomifera*), даны инструкции по приготовлению настоек и мазей из лекарственного растения, а также инструкция по применению.

Ключевые слова. Маклюра, настойка, мазь, экстракт.

Долзарблиги

Маклюра (*maclura pomifera*) мураккаб гулдошлар (тутгулилар оиласига) мансуб, кўп йиллик ўсимлик бўлиб, ёввойи ҳолда учрамайди, маданийлашган. Ҳозирги кунда унинг 11 тури ер юзига тарқалган бўлиб, турли давлатларда турлича ном билан: қадимги Ҳиндлар “ҳинд апельсини”, қадимги Хитойликлар “хитой апельсини”, Европаликлар “аллоҳ дарахти”, америкаликлар эса “Одам ота олмаси” – “Адамова яблока” ва эронликлар “қўштомок” деб ном

беришган. Маклюоранинг ватани аниқланмаган, лекин баъзи манбаларда Американинг жанубий – шарқ деб аталиб келинади. Маданийлашган навларини қадимдан ишлатиб келинади. Қадимий Мисрда, Марказий Африкада, Ўрта ер денгизи атрофидаги халқлар жуда қадим замонлардан бери озиқ – овқатга резавор сифатида ишлатиб келишган. Ҳозирги вақтга келиб, маданий навлари ер юзини 150 дан ортиқ мамлакатда, 250 дан ортиқ маданий навлари экилиб келинмоқда. Асосан Марказий Осиёда, Россиянинг жанубий районларидан Воронеж областгача, Краснодар ўлкасида, Қиримда, Кавказ ва Кавказ орти районларда кенг майдонларда экилиб келинмоқда [1,3,5,7,10,11,12]. Маклюора совуққа, иссиққа ва шўр тупроқда жуда яхши тез ўсади. Маклюора жуда шершоҳ бўлиб, эни 1 метргача, бўйи 20 метгача боради. Маклюорани истеъмол қилиб бўлмайди, лекин мевасини қайта ишлаб 250 дан ортиқ касалликларни даволашда ва олдини олишда кенг фойдаланилади. 100 грамм маҳсулотни таркиби 56 килокалорияга эга. Мевасини кесганда шиллиқли сок ажралиб чиқади ва халқ табобатида айнан шу соқдан даволаш мақсадида қўлланилади. Маклюора меваси таркибида 135 дан ортиқ биологик фаол моддалар мавжуд. Маклюора мевасини таркибида қанд, горечи, декстрин, цинаропикрин, цинарин, дубиль маҳсулотлари, клетчатка, инулин, каротин, ҳамда дармондорилар С, В1, В2, В3, В5, В6, бурсат кислота, ошловчи моддалар, фумарат, олма ва май кислоталари, холин, ацетилхолин, тирамин, минерал тузлар – калий, темир, марганец ва фосфор тузлари, сапонинлар, микроэлементлар ва бошқалар, уруғида 30 фоизгача сифатли ёғ мавжуддир. Маклюора таркибида 4-6% осаджин ва помиферин, 46% пектин, 17% смола, 5% ёғ ва 5% қанддан иборат. Янги меванинг намлилиқ даражаси 80% [1,2,4,6,9,11,12].

Сапонинлар Бу модда фармакология ва парфюмерия амалиётида ишлатилади. Сапонинлар организмда седатив, противосклеротик таъсир кўрсатади, бронхлардан балғам ажралишини оширади.

Флавоноидлар (осайин, помиферин) - капиллярлар деворини мустаҳкамлайди, кардиотоник таъсир кўрсатади, спазмолитик, қон тўхтатувчи, ўт хайдовчи таъсирга эга. В гуруҳ витаминлар манбаи.

Антиоксидант таъсир кўрсатади. Флавоноидлар ўсма ҳужайралари ўсишини тўхтатади.

Органик кислоталар Моддалар алмашинув жараёни ва иммун тизими фаоллигини оширади [1,2,3,8,9,11].

Халқ табобатида унинг суртмалари, дамламаси ва қайнатмаси аёллар касалликларида қон тўхтатувчи восита сифатида, ичбуруғ, безгак, ўпка сили, юрак, жигар касалликларида, буйрак ва сийдик йўллари касалликларида, ҳамда шамоллаш касалликларини даволашда қўлланилади. Айниқса мевасидан тайёрланган суртмаларини тайёрлаш халқ табобатида бир неча ўн турлари мавжуд. Маклюора мевасини ичидаги шарбати худди табиий суртма – мазга ўхшайди, фақат янги узилган бўлиши лозим. Унинг меваси совуқхоналарда 3 – 8 градусда 6 – 7 ойгача сақлаш мумкин. Маклюорадан тайёрланган суртмалар антиоксидант, яллиғланишга қарши ва бартериоцид хусусиятларга эга, шунинг учун бўғим ва умуртқа поғонасини касалликлари даволаш мақсадида ишлатилади. Маклюора экстракти бўлган малҳамлар, айниқса, радикулит, ревматизм ва артрит билан оғриган кекса одамлар учун тавсия этилади. Маклюора мевасини кесганда чиқадиган сутли шарбат эса анъанавий тиббиёт тарафдорлари томонидан дерматит ва экзема каби тери касалликларини даволашда ва сўгалларни олиб ташлаш учун ишлатилади. Шунингдек маклюора мевасидан тайёрланган тиндирма, бўғимларнинг касалликлари - артрит, артроз, остеохондроз, бўғимларда оғриқ синдромлари, юрак-қон томир тизимининг касалликлари - юрак ва қон томирларининг фаолиятини нормаллаштириш, асаб тизимининг касалликлари - невралгия, радикулит, тери касалликлари - турли тери яллиғланишлари, экзема ва дерматитларни, метаболик касалликлар - шу жумладан жигар ва ўт пуфаги касалликлари, қон айланишининг бузилиши - қон айланишини яхшилаш учун, онкологик касалликлар, айниқса бачадон ва сут бези ўсма хасталиклари даволаш учун ишлатилади [2,3,6,8,11].

Маклюора тиндирма ва маз кўринишида ишлатилади. Маклюора тиндирмасини тайёрлаш учун: маклюора меваларини (500.0) кесиб, устига 500 мл спирт (70%) қуйилади. Вақти-вақти билан силкитиб, қоронғи жойда 2-3 ҳафтага қолдирилади. Ушбу даво воситасини эҳтиёткорлик билан қўллаш тавсия этилади. 1-чи ҳафтада 3 томчидан 1 стакан сувда қўшиб қабулга, 2-чи ҳафтада 6 томчи, 3-ҳафтада 10-12 томчи.

Энг яхши таъсирга эришиш учун тиндирмани маълум бир курс бўйича қўллаш тавсия этилади: биринчи кунда кунига 1 томчидан, кейин томчилар сонини ҳар куни 1 тага ошириб борилади, яъни, 20 - кунда кунига 1 марта 20 томчи ичиш керак.

Суртма, маз кўринишида қўллаш

200 г маклюра;

200 мл зайтун мойи;

200 г чўчка ёғи.

Аралаштирилиб сув ҳаммомида гел ҳолатига келтирилади. Кунига 2 маҳал 2 соатдан компресс ҳолатида қўлланилади.

Маз кўриниши - бўғим касалликлари, таянч-ҳаракат тизими касалликларида юқори самарага эга [4,9,12].

Онкология амалиётда

Мева таркибида кўп миқдорда антиоксидантлар борлиги сабабли ўсма ўсишини секинлаштиради ва метастазларнинг ривожланишига тўсқинлик қилади.

Ҳафталар бўйича қабул қилиш курси:

1- ҳафта 3 томчидан 1 ош қошиқ сувга аралаштириб ичилади.

2- ҳафта 2 марта 3 томчидан 1 ош қошиқ сувга аралаштириб;

3 - ҳафта 3 марта 3 томчидан 1 ош қошиқ сувга аралаштириб;

Шундай тартибда ҳар бир навбатдаги қабулга +1 томчидан ошириб борилади, яъни 4-ҳафтадан 10 томчи суткалик доза. 24 - ҳафтадан 30 томчига етганда, истемолни ҳафтасига 1 томчидан камайтириб борилади, яъни 25 - ҳафтада 29 томчи, 26 - ҳафтада 28 томчи ва ҳ.к. Шу тарзда 1 ҳафтага келгунча камайтириб келинади. Курс 2 ойдан кейин такрорланиши мумкин.

Бурун бўйлигида полип бўлганда маклюра тиндирмаси жайтун мойи билан 1:1 нисбатда қўшиб, аралашма бурунга тампон қилиб қўйилади.

Гайморит ҳолатларида маклюра тиндирмаси ўсимликнинг ёш шохлари ва баргларида тайёрлаш мумкин. Бунда маклюра барглари ва ёш шохлари тўлиқ майдаланади ва 1:5 нисбатда спирт билан тўлдирилади ва 2 ҳафтага қолдирилади. Тайёр бўлган тиндирмани 40 %ли спирт билан аралаштириб ёки ўзини филтрдан ўтказиб, сўнг ишлатишга тавсия этилади. Ушбу тиндирмани шунингдек шамоллаш ҳолатларида кўкрак қафасига, радикулит, остеохондроз, ревматизмда шу соҳада маҳаллий компресс қилиш мумкин. Даво курси йилида 2 марта қўллаш тавсия этилади. Шу билан бирга, 2 томчи тиндирмани 1 ош қошиқ сувга аралаштириб, кунига 1 маҳал ичиш мумкин [1,4,9,12].

Суртма (маз) тайёрлаш.

Чўчка ёғи кўпинча малҳам учун асос сифатида ишлатилади. Уни тайёрлаш учун чўчка ёғи эритилади ва совутилади. 300 грамм чўчка ёғи ва 3 та маклюра меваси керак бўлади.

Малҳамни босқичма-босқич тайёрлаш:

- ювилган маклюра мевалари бўлақларга бўлинади;
- 1-2 см чўчка ёғини шиша идишнинг пастки қисмига қўйилади ва кейин навбатда меваларни 1 см қатламга қўйилади;

- Махсулот қатламларни бирма-бир қўйилади;

энг юқорида чўчка ёғи, банкани яхшилаб ёпилиб, аралашмани сув ҳаммомига қўйилади ва 24 соат давомида паст оловда сақланади. Тайёр бўлган малҳам совутилиб, контейнерга ўтказилади.

Мойли экстрактини тайёрлаш.

Мойли экстракти ўсимлик мойи ёрдамида тайёрланади. Кунгабоқар мойи, зайтун, маккажўхори, узум данаги мойи ишлатилади. Самараси ошириш учун календула, ромашка, далачай ўсимликларни таркибида қўшиш мумкин. Мойли экстракти учун маклюра ва 100 мл мой керак бўлади. Маклюра меваси кесилади ва банкада мойни устидан солинади. Қоронғи салқин хонада 2 ой сақланади. Тайёр бўлгандан сўнг алоҳида идишга ажратиб олинади. Мева қолдиқлари алоҳида компресс сифатида ишлатиш мумкин [3,4,9,10,12].

Маклюрадан тайёрланган доривор тиндирма, мазъ ва экстрактларни қандли диабет (таркибида кўп миқдорда қанд сақлайди), ҳомиладорлик ва лактация даврида, ўт пуфаги олинганда, химиотерапиядан сўнг, антибиотик қабул қилинаётган вақтда, алкоғолли ичимликлар қабул қилган вақтда қўлламаслик тавсия этилади. Маклюра жуда кучли таъсирга

эга бўлганлиги учун қўллашда эҳтиёткорлик талаб этилади. Дозаси ошганда аллергия реакциялар хавфи, диарея, кўнгил айниш, қусиш ҳолатлари кузатилиши мумкин. Қўллаш усулларига амал қилинмаганда жигарда ножўя таъсир қилиши мумкин. Навбатдаги текширишларимиз Маклюра (*maclura pomifera*) доривор ўсимлиги кимёвий таркиби ўрганиб, экспериментал тадқиқотлар ўтказиш олиб борилмоқда. Кейинги мақолаларимизда бу ҳақда ёритиб борамиз.

Хулоса

Маклюра (*maclura pomifera*) доривор ўсимлиги табиий маҳсулот бўлиб, дозалаш тартибига амал қилиб қўлланилганда самараси юқори ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Стритч Л. (2018). "Маклюра цветочная". Красный список видов, находящихся под угрозой исчезновения, МСОП. 2018; T61886714A61886723.
doi: 10.2305/IUCN.UK.20181.RLTS.T61886714A61886723.ru.
2. Роллингс Уиллард Хьюз (2005). Команчи. Филадельфия: Издательство Chelsea House Publishers. стр. 25. ISBN 978-0-7910-8349-9.
3. Боггс, Джо (15 октября 2021). "Bois D'Arc". Огородный двор и сад Онлайн. Университет штата Огайо.
4. Винья Ричард Л. (март 2011). "Информационный бюллетень о растениях: Оранжевый Осейдж, Маклюра омифера (Рафин.)" (PDF). Министерство сельского хозяйства США, Служба охраны природных ресурсов.
5. Синнотт-Армстронг, Миранда А.; Дианна, Росио; Претц, Челси; Лю, Сукуан; Харрис, Джесси К.; Данбар-Уоллис, Эми; Смит, Стейси Д.; Уилер, Лукас К. (март 2022). "Как подойти к изучению синдромов в макроэволюции и экологии". *Экология и эволюция*. 2022;12(3):e8583.
6. Кунс Майкл; Шмидт Том. "Отопление дровами: видовые характеристики и объемы". Пристройка к Университету штата Юта. Проверено 31 января 2016 года.
7. Джо Дагган (20 ноября 2018 г.). "Кусок дерева и мечта водоплавающей птицы". *Звезда Lincoln Journal*.
8. Карлсон, Густав Г., Волни Х Джонс. "Маклюра помифера (результат поиска)". База данных этноботаники коренных американцев. Мичиганский университет в Дирборне. Проверено 24 декабря 2015 года.
9. Кравченко А. <https://domovouyasha.ru/adamovo-yabloko-maklyura-sostav-lechebnyie-svoystva> 21.08.2018.
10. Эрик Уайзман, Дэвид Формелла. "Информация о деревьях". Большие деревья Вирджинии. Проверено 18 ноября 2022 года.
11. Ўринбоев А. Маклюра – ноёб жаннат ўсимлигини етиштириш агротехникаси, халқ хўжалигида, тиббиётда ва халқ таъбаотида ишлатилиши // <https://agro-olam.uz/05-03-2023/>.
12. Маклюра (адамово яблоко)-полезные свойства, применение и рецепты приготовления // <https://posamogonu.ru/lechebnye-nastoiki/maklyura-adamovo-yabloko.15.02.2020>.
<https://www.youtube.com/@MalakhovPro>

Қабул қилинган сана 20.01.2025